

**ТИКУВ БУЮМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИДА
“GEMINI CAD” ДАСТУРИДА МОДЕЛ КОНСТРУКЦИЯСИНИ
ҚУРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Дадамирзаев Баҳромжон Бахтиёр ўғли, Ассистент

Парпиев Умиджон Мелиевич, Ассистент

Наманган тўқимачилик саноати институти

(Ўзбекистон Республикаси)

Аннотация. Мақолада заманавий ЭҲМ дастурлари хусусиятлари, иш унумини оширишга ва камхарж маҳсулот ишлаб чиқишга имконият кўриб чиқилган

Калит сўзлар. Gemini CAD, деталлар, АЛТ, Pattern Editor.

**В ПРОЦЕССЕ ПОШИВАНИЯ ИЗДЕЛИЙ
ПЕРСПЕКТИВЫ ПОСТРОЕНИЯ МОДЕЛИСТ-КОНСТРУКТОРА В
ПРОГРАММЕ «GEMINI CAD»**

Дадамирзаев Баҳромжон Бахтиёр ўғли, Ассистент

Парпиев Умиджон Мелиевич, Ассистент

Наманганский институт текстильной промышленности

(Республика Узбекистан)

Аннотация: В статье рассмотрены особенности современных программ ЭУМ, возможности повышения производительности и разработки недорогих продуктов.

Ключевые слова: Gemini CAD, детали, АЛТ, Pattern Editor

**IN THE PROCESS OF SEWING PRODUCTS
PROSPECTS FOR BUILDING A MODEL CONSTRUCTION IN THE
“GEMINI CAD” PROGRAM**

Dadamirzaev Bakhromjon Bakhtiyor ugli, Assistant

Parpiev Umidjon Melievich, Assistant

Namangan Institute of Textile Industry

(Uzbekistan Republic)

Abstract: The article discusses the features of modern electronic computer programs, the possibilities of increasing productivity and developing inexpensive products.

Keywords: *Gemini CAD, parts, ALT, Pattern Editor*

Республикаимиз тараққийетининг ҳозирги босқичи ҳар қайси соҳа олдида мураккаб янги вазифаларни қўйди. Жумладан енгил саноат соҳаси ходимлари олдида корхоналарни қайта қуриш, ускуналарни замонавийлаштириш, ишлаб чиқаришни комплекс механизасиялаштириш ва автоматлаштириш, юқори сифатли, чиройли кийимларнинг оммавий турларини тикадиган юксак унум, тезда қайта мослашувчи янги технологик оқимларни қуриш йўли билангина тубдан яхшилаш вазифаси қўйилган.

Яратилётган замонавий автоматлашган лойиҳалаш дастурлари муаллифлари олға сураётган самаралар эса, ишлаб чиқаришга келган ҳар бир диди нозик миждозни ҳам талабини қондира олиш, қисқа фурсатда бутун корхона қувватига етадиган янги моделни шиддат билан тайёрлаш имконияти ва бошқалар ҳисобланади.

Ўзбекистон тикувчилик саноатига ҳозирги кунда бирқатор хорижий корхоналарнинг лойиҳалаш дастурлари кириб келмокда, улар сирасига ASSYST, LECTRA, INVESTRONICA, GERBER, NOVOCUT, MICRODYNAMICS, CONSULT, COMTENSE, CYBRID ва GEMINIларни мисол келтиришимиз мумкин. Мазкур дастурлар ёрдамида тикув буюмларини лойиҳалаш орқали вақт сарфи 3 баробар, ассортиментга кўра газламадан тежаш 12-20 фоизга ва сезиларли даражада иш кучидан тежалади. Шунингдек, маълумот-ларнинг хотирада узок муддат сақлаш, уларни қидириб топиш қулайлиги, буюм лойиҳаларини муаллиф рухсатисиз ўзгартириш имконияти йўқлиги ва рухсатсиз кириш имконияти чеклангани, бир вақтда бир неча фойдаланувчига хизмат кўрсатиш имконини мавжудлиги ва бошқа-лардир[1].


Кийим конструкциясини яратишдан бошлаб тайёр маҳсулот сотилгунга қадар барча босқичларда ишлаб чиқаришнинг қайта мослашувчанлигини таъминлаш учун автоматлаштирилган бошқарув тизимини маҳаллий тармоқларга бириккан шахсий ЭХМлар базасида такомиллаштириш ҳам

катта вазифалардан биридир. Тикув - трикотаж кийими юқори сифатли ва уни тикиш иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиши учун кийимларни лойиҳалаш вақтида бунга замин яратилади. Шу боисдан лойиҳалаш вақтида буюмнинг сифатини яхшилаш имкониятлари ортади. Кийимнинг конструкцияси уларни лойиҳалаш, бичиш, тикиш технологияларига, ҳамда замонавий мода йўналишига қараб ўзгариб туради. Кийимни конструкциялаш, кийимни ташкил этадиган деталлар ва материаллар комплекси, шунингдек, уларни ўзаро бириктириб тикиб муайян ўлчам ва шаклдаги яхлит буюм ҳолига келтириш усуллари ва воситалари тушунилади. Кўплаб ишлаб чиқариладиган кийимларни конструкциясини ишлашда фан ютуқларидан ва конструкциялаш соҳасида ортирилган кўп йиллик тажрибаларга таянилади [2].

Конструкция чизмалари стандарт қоматларнинг ўлчов белгиларини билдирувчи маълумотлар бўйича ҳисоблаб чиқарилади ва чизилади. Бугунги кунда “Gemini CAD” дастурини ўқув жараёни ва амалиётга тадбиқ қилишга эришдилар. Натижада “Gemini CAD” дастурида лойиҳалашни амалга ошириш ва технологик жараёнини такомиллаштириш имкониятлари яратилди. Қуйида эркаклар ёзги мавсум трикотаж кўйлагини модел эскиз намунасини ва кўйлак деталлари конструкциялари чизмасини замонавий “Gemini CAD” дастури ёрдамида лойиланган чизмалари келтирилган ва иқтисодий самарадорлик ҳисоблаб чиқилган.

Тадқиқотлар давомида трикотаж буюмларини “Gemini CAD” дастури асосида лойиҳалаш жараёни бажарилди ва трикотаж буюмларининг конструкциясига мос равишда андазаларни лойиҳалаш даври 2 баравар камайди.

Танланган модел конструкциясини қуришда мен “**Gemini Pattern Editor V.X9**” дастуридан фойдландим. Дастурни ишга туширишни, интерфейсдаги Gemini Pattern Editor V.X9 тугмасҳасини босиш ёки маълумотлар менюсидан танлаш йўллари мавжуд. Дастур ишга тушкандан кейин, янги ишчи ойна очамиз ва амалларни бошлаймиз.



3-расм. Детал конструкцияси чизмаси

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ф.У.Нигматова. “Енгил саноат маҳсулотларини лойihalашнинг автоматлаштирилган системаси”. Услубий қўлланма. Тошкент. 2015 й.
2. Комилова Х.Х., Ҳамроева Н.К "Тикув буюмларини конструкциялаш" Т., 2003 й
3. www.perevalov.ru – Тикувчилик саноатида қўлланилаётган янги замонавий автоматлашган жиҳозларнинг ва “Gemini CAD” дастури хақидаги расмий сайт
4. Ismatullaev, N.; Dadamirzaev, B. (2020) Naqsh turlari va uning o'ziga xosligi. Молодой исследователь: вызовы и перспективы. Сборник статей по материалам СХСII международной научно-практической конференции. 2020. Стр676-680. <https://elibrary.ru/item.asp?id=44466714>
5. Dadamirzayev B.B., Axmadjanov A.O. Bolalar sport uslubidagi kiyimlari uchun gazlama tanlash tadqiqi. ЭКОНОМИКА И СОЦИУМ, 6-2 (97), 2022, 57-60, <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=49231405>